

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

№ 50 (1229)

2019 ЙИЛ 19 ДЕКАБРЬ

Газета 1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

t.me/financeuz

Сайтимизга ўтиш учун QR коддини телефонингиз орқали сканер қилинг



ЕТТБ ВА “ИПОТЕКА БАНК” АТИБ: ЙИЛЛАР ДАВОМИДА СИНОВДАН ЎТГАН ИШОНЧ



Тадбирда “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви аъзолари ҳамда Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Маълумки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ) 1991 йилда ташкил этилган. 1999 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда ЕТТБ томонидан 20 мингдан ортиқ ташқи савдо амалиётлари амалга оширилган. Жумладан, Ўзбекистон томонидан 209 та экспорт-импорт битимлари амалга оширилди.

Сўнги йилларда ЕТТБнинг мамлакатимизга катта миқдорда сармоя киритиши иқтисодийни ривожлантиришга имкон берди.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар ва иқтисодий тизимнинг қулай инвестициявий шароити кўплаб халқаро молиявий институтлар қатори Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг ҳам ўзаро ҳамкорлик алоқаларини муштаҳамлашга олиб келмоқда.

Жорий йилнинг 13 декабрь куни “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат банкининг бош офисида “Ипотека-банк” АТИБ ҳамда Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида 18 млн. евро миқдорда кредит келишувини имзолаш маросими бўлиб ўтди.



“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” НИНГ 100 МЛН. АҚШ ДОЛЛАРИЛИК КЕЛИШУВИ

2019 йил 16 декабрь куни Токио шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Японияга давлат ташрифи арафасида ташкил қилинган Ўзбекистон ва Япония ишбилармон доираларининг бизнес-форуми доирасида Ўзсаноатқурилишбанк “Sumitomo Mitsui Banking Corporation” билан қиймати 100 млн. АҚШ долларилек ҳамкорлик келишувини имзолади.

Мақзур ҳужжат савдони молиялаштириш, фазначилик операциялари, Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини молиялаштириш каби соҳаларда банклараро ҳамкорликни ривожлантиришни назарда тутди.

Япония банки молиялаштириш линияси Ўзсаноатқури-

лишбанкка Япония ва бошқа мамлакатлардан технологик ускуналар ва хизматларни импорт қилишни кўзда тутадиган лойиҳаларни молиялаштириш бўйича ресурс базасини кенгайтириш имконини беради. Қайд этиш жоизки, Япония банки томонидан Ўзсаноатқурилишбанк мижозларига товарлар ва хизматлар экспорт-олди молиялаштирилиши учун ресурс тақдим қилиниши ҳам ушбу келишувда



кўзда тутилган.

Маълумот учун: “Sumitomo Mitsui Banking Corporation” ва унинг компаниялар гуруҳи ҳам Япония худудида, ҳамда унинг ташқарисида кўплаб молиявий хизматлар кўрсатади. Корпорация фаолияти корпоратив ва чакана банк хизматлари, халқаро капитал бозори, венчур капитали ва қимматли қозғалар хизматларини ўзида қамраб олган.

Корпорация қароргоҳи Чиодо Токиода жойлашган бўлиб, 38 давлатда 72 бўлинмаси фаолият кўрсатади. Ташкилотда 70 мингга яқин одам ишлайди. 2018 молиявий йил якунларига кўра, банкнинг умумий активлари 1 трлн. 835 млрд. АҚШ долларини, умумий даромади эса 7 млрд. 140 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

finance.uz

ДАРАКЛАР

3

“ТУРОНБАНК” АТБ ХОДИМЛАРИ ЯНГИ ТАҲРИРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУНЛАРНИ ЎРГАНИШМОҚДА



ҚОНУНЧИЛИК ЯНГИЛИКЛАРИ

4

ҲОКИМЛИКЛАР ВАҚОЛАТЛАРИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИКИЛДИ



ҚАРОР ВА ИЖРО

7

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ХУДУДЛАРДА ҚАНДАЙ САМАРА БЕРЯПТИ?

ДУНЁГА НИГОХ

10

СТАВКА ТУШИШДА ДАВОМ ЭТАДИМИ?



БУ ҚИЗИК

11

ЭНГ ЁШ СИЁСАТЧИЛАР КИМЛИГИНИ БИЛАСИЗМИ?



ҒАРОЙИБОТ

12

ҚИЧҚИРАДИГАН КАПАЛАК

ЕТТБ ВА “ИПОТЕКА БАНК” АТИБ: ЙИЛЛАР ДАВОМИДА СИНОВДАН ЎТГАН ИШОНЧ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Ўтган йиллар мобайнида ушбу банк томонидан қарийб 400 миллион Евро миқдорда сармоя киритилди ва хусусий секторни ривожланишига замин бўлди.

Ҳозирда мазкур банк мамлакатимизнинг етти банки билан ҳамкорлик қилмоқда. ЕТТБнинг сўнги прогнозларига кўра, мамлакатимизда 2020-йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 5,8 фоизга ошиши кутилмоқда.

Республикамизнинг етакчи банкларидан ҳисобланган “Ипотека-банк” АТИБ 2017 йилдан бери ЕТТБ билан молиявий ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу ҳамкорлик туфайли қатор истиқболли лойиҳалар молиялаштирилди. Европа банки ажратган кредит линиялари эвазига қанча хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини ривожлантирди. Жумладан, кичик бизнес вакиллари, ЕТТБ томонидан “Ипотека-банк”га тақдим этилган кредит линиялари орқали



янада кўпроқ имкониятларга эга бўладилар.

Истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш имконияти мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторларини ривожлантиришнинг муҳим талабларидан биридир. Бу савдони молиялаштириш дастурига қўшимча равишда “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат банкига тақдим этилаётган иккинчи кредит линияси ҳисобланади.

– 2017 йилда кичик бизнесни ривожлантириш лойиҳаси учун “Ипотека-банк”ка 25 млн. АҚШ доллар, савдо алоқаларини молиялаштириш дастурига эса 5 млн. АҚШ доллар кредит маблағлари ажратганмиз, – дейди ЕТТБнинг Ўзбекистондаги раҳбари Алқис Врижениос Дракинос. – “Ипотека-банк”нинг сўнги йиллардаги юқори кўрсаткичлари туфайли ҳамкорлигимизни давом эттиряпмиз.

39 та филиаллари ва 600 дан ортиқ банк бўлимларига эга “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат банки Ўзбекистондаги кичик бизнес субъектларининг лойиҳалари, хусусан, мамлакатимиз вилоятларида жойлашган корхоналарни молиялаштириш бўйича истиқболли имкониятларга эга. Бу ўз навбатида банк мижозлар базасининг ҳам кенгайтиришга хизмат қилади.

– Биз “Ипотека-банк” би-

лан ҳамкорлигимизнинг янги босқичини мамлакатингизда кичик бизнес соҳасини жадал ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан бошлаймиз, – дейди ЕТТБнинг Ўзбекистондаги раҳбари Алқис Врижениос Дракинос. – Чунки бу Ўзбекистон иқтисодиётида тобора муҳим роль ўйнамоқда. Самарали ҳамкорлик келгусида Ўзбекистон молиявий секторига узоқ муддатли фойда келтиришига ишонамиз.

Ўз навбатида “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви аъзолари ажратилаётган узоқ муддатли кредитлаш учун маблағлар, юртимизда кичик бизнес тизимини молиялаштиришда улкан кўмак бўлиши билан бирга, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришда катта имконият эканини таъкидлашди.

Ўзбекистон ҳамда ЕТТБ ўртасидаги ўзаро ишонч ва самимиятга асосланган бу ҳамкорлик келгусида, албатта ўз ҳосилини беради. Шунингдек, бу нуфузли Европа банкнинг мамлакатимизда ўз ўрнини мустақамлашга замин яратяди.

Умида
ХУДОЙБЕРГАНОВА
Реклама ўрнида

Жорий йилнинг 12 декабрь куни
“Ўзсаноатқурилишбанк” ва Беларусь
Республикаси ривожланиш банки ўртасида
базавий қарз битими имзоланди.

МАНФААТЛИ БИТИМ



Ушбу ҳамкорликдан кўзланган мақсад – телекоммуникация, транспорт, қишлоқ ҳўжалиги каби соҳаларда Беларусь – Ўзбекистон инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш, бунда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда Беларусь Республикасидан юқори технологик асбоб-ускуна, товар ва хизматларни сотиб олишни молиялаштиришдан иборатдир.

Шунингдек, битим савдони молиялаштириш ва ҳужжатли операциялар каби жабҳаларда банклар ўртасида узоқ муддатли ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва кенгайтиришни назарда тутяди.

– Биз Беларусь Республикаси ривожланиш банкидаги ҳамкасбларимизнинг ўзаро манфаатли шерикчилик муносабатларини кенгайтиришдаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз ва бунинг учун ўз миннатдорчилигимизни билдираемиз, – дейди Банк Бошқаруви Раиси ўринбосари Зафар Азимов. – Ишончимиз комилки, мазкур ҳужжатнинг имзоланиши банкларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

Маълумот учун, Беларусь Республикаси ривожланиш банки 2011 йилда ташкил этилган. Банкнинг асосий фаолияти давлат дастурларини молиялаштириш тизимини ривожлантириш ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган.

“МИКРОКРЕДИТБАНК” ҲАМДА “ODDO BHF” БАНКЛАРИ ЎРТАСИДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ЎРНАТИЛДИ

“Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки бошқарув раиси Муродилла Эшматов бошчилигидаги мазкур молия муассасаси вакиллари билан иборат делегация Германия Федератив Республикасида бўлиб бир қатор манфаатли келишувларга эришди.



Сафар доирасида қатор молия муассасалари билан ўзаро манфаатли келишувларга эришиш белгиланган. Хусусан, “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки юртимиздаги йирик ва кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида Германиянинг “ODDO BHF” банки билан икки томонлама бизнес корпорацияларини ривожлантириш бўйича англашув меморандуми имзолади.

Келишувга кўра, “ODDO BHF” банки томонидан Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган маблағлар Европа Иттифоқидан импорт қилинаётган асосий восита ва технологик ускуналарни харид қилишга йўналтирилади.

Хусусан, “ODDO BHF” банки томонидан ажратилган кредит линияси маблағлари ҳисобидан Тошкент шаҳридаги “SESAME” МЧЖга автомобилларга ёқилги қуйиш шохбачалари фаолиятини ташкил қилиш учун 41 миллион АҚШ доллари, Сурхондарё вилоятидаги “Aziya-Golden-Fish” МЧЖга балиқчилик кластерини ташкил этиш мақсадида 12 миллион АҚШ доллари, “Gold Biznes Pro” МЧЖга бетон ва бетон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ускуналарини сотиб олиш учун 5,1 миллион АҚШ доллари, Сирдарё вилоятида-

ги “EURASIA GAZ BETON” МЧЖга газобетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш комплекси ташкил қилиш мақсадида 18,1 миллион АҚШ доллари, “Сирдарё Мега Люкс” МЧЖга эса полиетилен қопларини ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун 3,5 миллион АҚШ доллари миқдоридида кредитлар ажратилиши режалаштирилган.

Маълумот учун таъкидлаш жоизки, “ODDO BHF” банки 150 йилдан ортиқ таърихга эга мустақил француз-немец молия муассасаси ҳисобланади. Ҳозирда ушбу банкнинг йиллик соф фойдаси ҳамда устав капитали бўйича дунёдаги йирик банклар қаторида туради.

Қайд этиш жоизки, кейинги йилларда “Микрокредитбанк” томонидан халқаро молия муассасалар ва жаҳоннинг йирик банклари ўртасида қўллаб-қувватлаш шартнома ва битимлар имзоланиб, ўзаро ҳамкорликда бир қатор лойиҳалар молиялаштирилмоқда. Шу билан бирга республикамизда тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда ҳам мазкур халқаро линиялар муҳим ўрин тутаятир. “Микрокредитбанк”нинг “ODDO BHF” банки билан ўзаро ҳамкорлиги эса бу йўлдаги муҳим қадамлардан бири бўлди дейиш мумкин.

Маълумки, жорий йилнинг ноябрь ойида давлатимиз раҳбари банк – молия тизими ривож учун муҳим бўлган бир қатор қонунларни имзоладилар. Хусусан, “Марказий банк тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ва “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Халқаро стандартларга жавоб берувчи ва молия хизматлари истеъмолчилари учун кенг қулайлик ва имкониятларни таъминлашда асос бўлиши кутилаётган ушбу қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсадларини батафсил тушунтириш мақсадида “Туронбанк” АТБ ўзининг ҳудудлардаги барча филиалларида ўқув-семинарларини ўтказиб келмоқда. Хусусан, молия муассасасининг барча департаментлари раҳбарларидан тузилган ишчи гуруҳлар, ушбу ҳужжатларнинг асосий жиҳатлари ҳақида маълумот бериб, киритилган янгилликлар билан уларни таништиришмоқда. Жумладан, ўқув-семинарларида 11 боб, 72 моддадан иборат янги тахрирдаги “Марказий банк тўғрисида”ги қонун тушунтирилди.

Таъкидланганидек, ушбу ҳужжат халқаро валюта жамғармаси мутахассислари билан ҳамкорликда тайёрланган бўлиб, хорижий давлатлар, хусусан, Россия, Швейцария, Польша, Грузия ва бошқа мамлакатлар марказий банкларининг илғор тажрибасини ўзида жамлагандир. Унга биноан, марказий банк-

“Туронбанк” АТБ ходимлари янги тахрирда қабул қилинган Қонунларни ўрганишмоқда



нинг ваколатлари янгиланиб, уларнинг таркибига банклар, нобанк кредит ташкилотлари, ипотекани қайта молиялаш ташкилотлари ва банклар гуруҳларининг фаолиятини лицензиялаш, тартибга солиш ва назорат қилишда асослан-тирилган мулоҳазадан фойдаланиш каби қатор ваколатлар киритилган.

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари “Туронбанк” АТБ ходимларига “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонун бўйича тушунтиришлар беришди. Аввалги тахрирдан фарқли ўлароқ, янги тахрирдаги қонун бир қатор меъёрлар ва механизмлар билан тўлдирилган бўлиб, унда валютани тартибга солиш ва валютани назорат қилишнинг асосий тамойиллари белгиланди. Хусусан, ре-

зидентлар ва норезидентларнинг валюта операцияларига давлат органларининг қонунга хилоф равишда аралашуви-га йўл қўйилмаслиги асосий тамойиллар сифатида белги-лаб қўйилди. Бундан ташқари, миллий валютанинг мавқе-ини кучайтириш мақсадида, давлат божлари, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар миллий валютада ундирили-ши, товар ва хизматлар учун нархлар ҳамда жамиятлар-нинг устав капиталига қўй-ладиган минимал талаблар фақат миллий валютада ўр-натилиши қонун даражасида белгиланди.

Ҳудудларда ўтказилган ўқув-семинарларда қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган яна бир ҳужжат бу “Банклар ва банк фаолияти

ти тўғрисида”ги қонун бўлди. Унда департамент раҳбар-лари банкни ташкил этиш, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун дастлабки руҳ-сат ва лицензиялар бериш, инвесторлар томонидан банк акцияларини Марказий банк розилигисиз харид қилиш каби янги тартибларни тушунти-ришди. Шунингдек, ҳужжат билан пруденциал назорат механизми жорий этилаётган-ни айтилди. У тегишли норма-тивлар, банкларнинг молия-вий ҳолатини тиклаш режаси, ўзаро боғлиқ шахслар билан битимлар тузишни тартибга солиш, банкларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриш учун вақтинчалик бошқарувни тайинлаш, банк таваккалчилик-лари пайдо бўлганда уларни эрта аниқлаш ва банк фаоли-ятининг барқарорлигини таъ-минлаш сингари масалалар бўйича ҳам маълумотлар бе-рилди.

Бундан ташқари, тадбир-ларда “Тўловлар ва тўлов ти-

зимлари тўғрисида”ги Қонун ҳам таҳлил қилинди. Унда айтилишича, тўлов хизмати тўлов хизматларидан фойда-ланувчи ва тўлов хизматлари-ни этиказиб берувчи ўртасида тузилган шартнома, шу жум-ладан оммавий оферта тарзи-даги шартнома асосида кўрсати-лади. Ўзбекистон ҳудудида тўловлар қуйидагилар орқали амалга оширилади: нақд пул маблағларини ўтказиш, элек-трон пулларни ўтказиш, пул маблағларини тўлов восита-ларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш, пул мажбуриятини ёки пул маблағларини тўлаш тўғрисидаги фармойишни ўз ичига олган тўлов ҳужжати-ни бериш ва электрон тўлов воситаларидан фойдаланиш.

Бундай ўқув-семинарлари-нинг ўтказилиши банк соҳаси тараққиёти учун қабул қилина-ётган қатор қонун ва қарорлар-нинг банклар ўртасида кенг оммалашшига қўмаклашиб, уларнинг ҳаётга жорий этили-шини тезлаштиради.



Реклама ўрнида

Банк Ахборот хизмати

Халқаро мутахассислар иштирокида семинар-тренинг

Жорий йилнинг 13-14 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида “Ўзмиллийбанк” томонидан Россиянинг “Газпромбанк” билан ҳамкорликда “Лойиҳаларни молиялаштириш ва рискларни хеджирлаш” мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Унда “Газпромбанк” акциядорлик жамияти мутасаддилари, “Ўзмиллий-банк” раҳбар ва ходимлари, тижорат банклари вакиллари, Банк-молия ака-демиясининг профессор-ўқитувчилари ҳамда тингловчилари иштирок этди.

Мазкур семинар-тренинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги “Банк-молия соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида” ги ПҚ-4503-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда Банк-мо-лия академиясини янада ривожлан-тириш, “Ўзмиллийбанк” ва бошқа ти-жорат банклари мутахассисларининг лойиҳаларини молиялаштириш соҳа-сидаги малакасини ошириш мақсади-да ўтказилди.

Семинар-тренингда лойиҳавий ва структуравий молиялаштириш ҳамда рискларни хеджирлаш соҳасидаги

халқаро тажрибаларни ўрганиш, кор-поратив блок, риск-менеджмент, газна-чилик каби мавзуларга эътибор қарати-лди.

Тадбирда “Газпромбанк” АЖнинг вице-президенти, Лойиҳавий ва структу-равий молиялаштириш Департаменти бошлиги Тимур Беликов “Лойиҳавий молиялаштириш битимлари таҳлили ва уларда хатарларни бошқариш” мав-зусида маъруза қилди.

Семинар-тренингнинг биринчи қисмида маърузачилар “Газпром-банк”да лойиҳаларни молиялашти-риш бўйича ишларни ташкил этиш билан боғлиқ жиҳатлар, лойиҳаларни

молиялаштиришнинг инвестицион кре-дитлашдан фарқи ҳақида тўхталдилар. Шунингдек, инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришни ташкил этишнинг ғоявий босқичдан молиялаштириш-га қадар босқичларини алоҳида тас-нифлаб ўтишди. Лойиҳаларни моли-ялаштириш билан боғлиқ рискларни бошқариш ва битимлар таҳлили муҳ-окамаси давомида, инвестиция фазаси, технологик хатарлар ва бюджетдан ошиб кетиш хатари сингари тушунча-лар ҳам кўтарилди.

Семинар-тренингнинг иккинчи қисми маҳорат дарси шаклида ўтказилди. Унда лойиҳаларни молиялаштириш бўйича битимларнинг тузилиши кўриб чиқилди. Иштирокчилар муайян ми-соллардан фойдаланган ҳолда амалий тадқиқотлар давомида хатарлар да-ражаси ва уларнинг пасайиши ҳақида маълумотларга эга бўлдилар. Шунин-гдек, лойиҳани ташаббускорлар томо-нидан қўллаб-қувватланишининг муҳим жиҳатлари, таъминотнинг асосий кўри-нишлари, нархни шакллантириш ҳақи-да ҳам маълумот берилди. Шунингдек, тадбирнинг бу қисмида “Газпромбанк” АЖнинг амалий тажрибалари ўрганилди.

Мамлакатимизда банк-молия соҳа-сида чуқур ислохотлар давом этаёт-ган паллада ушбу семинар-тренинг ўзининг долзарблик қиёфасини касб этиб, тадбир давомида қизиқарли савол-жавоблар, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўз мухбиримиз



ҲОКИМЛИКЛАР ВАКОЛАТЛАРИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент 9 декабрь куни бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилишга қаратилган қарорни имзолади.

2020 йил 1 январдан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг бир қатор функция ва ваколатлари тегишли давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларига ўтказилади, бошқаси эса – чиқариб ташланади. Иккинчисига технологик, ўрмон-мелиорация, агротехник, гидротехник, санитария-техник тадбирларни келишиш, шунингдек қуйидагилар юзасидан қарор қабул қилиш киряди:

бузилиши учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган, жамоат тартибини сақлаш масалалари, агар улар МЖТК билан тартибга солинмаган бўлса, шунингдек, табиий офат ва эпидемиялар билан курашиш масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш;


атмосфера ҳавосини ифлослантиришнинг турғун манбалари томонидан атмосферага ифлослантирувчи моддаларни чиқариш бўйича давлат экологик экспертизаси хулосасида назарда тутилган шартлар ва талаблар бузилиши билан боғлиқ фаолиятни чеклаш, тўхатиб туриш ва тугатиш масаласида қарор қабул қилиш;

ўрмонларнинг ҳолатига зарар етказилган ҳолларда ташкилотлар фаолиятини чеклаш,

тўхатиб туриш ва тугатиш бўйича қарор қабул қилиш;

бозор фаолиятини тўхатиб туриш бўйича қарор қабул қилиш.

2021 йилда давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг таркибий бўлинмалари ўртасида ҳужжат айланиши ва ҳисоботлар бутунлай рақамлаштирилади, "қоғоз" бланкалар, шакллар ва жадвалларни тўлдиришдан воз кечилади. Ҳаммаси силлиқ ишлаши учун келгуси йилнинг 1 мартга келиб Ҳукуматга тегишли чора-тадбирлар режаси киритилади, барча давлат хизматчиларига ЭРИ берилади. Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ҳисобот ва ҳужжат айланишини юртишнинг автоматлаштирилган тизими-



ни жорий этиш учун шахсан жавобгар ҳисобланадилар.

Раҳбарлар, мутасаддилар вақтни тўғри ташкил этиш ва ундан фойдаланиш самардорлигини ошириш – time management технологияларига ўқитилади. Бунинг учун Президент хузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бюрократия, қоғозбозлик ва йиғилишлар ўтказиш амалиётини бекор қилиш бўйича ўқув дастури ишлаб чиқилади,

у Академия ва унинг филиалларидаги курслар кўринишида амалга оширилади. Ўқиш тасдиқланган курслар жадвалига киритилган давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари ва раҳбарлари учун дарслар мажбурийдир. Курслар учун пуллик - харажатлар бюджетдан ташқари маблағлар ва таққиланмаган бошқа маблағлар, шунингдек, иш берувчи-муассасалар ҳисобидан қопланади.

ЗИДДИЯТЛАР БЎЛМАЙДИ – БИЗНЕСНИ ТУГАТИШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ ҚОНУНЛАРДА ҚАЙД ЭТИЛДИ

Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан бир қатор қонунларга тузатишлар киритилди (11.12.2019 йилдаги ЎРҚ-592-сон Қонунга қаранг).



Эслатиб ўтамиз, 2020 йил 1 январдан тугатиш жараёнлари соддалаштирилади. Хусусан, корхонани тугатиш тўғрисидаги эълон бундан буён босма нашрларда берилмайди – уни Давлат хизматлари агентлиги сайтига жойлаштиришнинг ўзи етарли бўлади. Фаолият юритмаётган корхоналарга фаолиятини тиклашга имконият берилади – аввалига 3 йилга фаолият юритилмайдиган режимга ўтказилади, бу ёрдам бермаса тугатилади.

Илгари қонуности ҳужжатларида қабул қилинган тузатишлар билан қайд этилган янги тартиб элементлари Фуқаролик кодекси, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида", "Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлари тўғрисида" ва "Хусусий корхона тўғрисида"ги қонунларга киритилди.

Шу тариқа, янги механизмни амалиётга жорий этишда тўсқинлик қилиши мумкин бўлган қонун ва қонуности ҳужжатлари ўртасидаги эҳтимолий зиддиятлар бартараф этилди.

"Банкротлик тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун Президент томонидан имзоланди.

Қонун билан киритилган ўзгартишларга кўра, банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш учун бериладиган аризада қарздор ва кредиторларга тўлов қобилиятини тиклаш ёки тугатиш тартиботлари қўллашни кўрсатган ҳолда муружаат этиш ҳуқуқи берилди.

Кредиторлар йиғилишида кредиторлар томонидан овоз беришда гуруҳларга бўлиш ва ҳар бир кредитор гуруҳининг овозлари алоҳида инobatга олиш амалиёти жорий этилди.

Шунингдек, эндиликда келишув битими банкротлик таомили деб ҳисобланмайди. Қарздор ва кредиторлар иқтисодий суд томонидан банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ҳар қандай босқичида келишув битими тузишга ҳақли.

Қонунга кўра, банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш муддати 1 ой этиб белгиланди (Ҳозирга қадар бу муддат 2 ой эди).

"БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУНГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИЛДИ



Шу билан бирга, эндиликда суд санацисы кўпи билан 24 ой муддатга жорий этилади (Ҳозирга қадар 24 ой жорий этилиб, иқтисодий суд томонидан кўпи билан 6 ойга узайтирилиши мумкин эди).

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътибордан кучга киради.

Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига тегишли ўзгартиришлар киритилди (9.12.2019 йилдаги 979-сон ВМҚга қаранг). У уч ойдан кейин кучга киради.

Уланган қувватидан қатъи назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширувчи истеъмолчилар фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гуруҳига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3

КРИПТО-АКТИВЛАР АЙЛАНМАСИ УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ҚИММАТЛАШАДИ

баробар ўсувчи коэффициентга мувофиқ тўлайди.

Яқин кунларда бундай истеъмолчиларни аниқлаш ва уларга ўсувчи коэффициентни қўллаш тартиби ишлаб чиқилади. Бу вазифани Энергетика вазирлигига Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан бир-

галикда амалга ошириш топширилган.

Қарор иқтисодиёт тармоқларида энергия самардорлигини ошириш ҳамда электр энергиясидан оқилona фойдаланишни кенг тарғиб этиш мақсадида қабул қилинган.

Маълумот учун: крипто-актив – блокчейндаги қиймати ва эгаси бўлган ёзувлар жамлиги;

Блокчейн – тақсимланган маълумотлар реестри, унда барча маълумотлар кетма-кет ёзилади ва блоklarга тақсимланади, бунда ҳар бир янги блок криптографик имзо орқали аввалги блоklar билан боғлиқ бўлади;

майнинг – турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматада муқофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоklar яратиш бўйича фаолият.



Дарҳақиқат бугунги кунда Республикамизда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари натижасида қурилиш материалларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Хусусан, 2019 йилнинг январь-август ойларида мамлакатимизда жами 44,3 трлн. сўм қурилиш ишлари ба- жарилган бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 19,1 % ни ташкил этди.

Маҳаллийлаштириш ва импортни оптималлаштириш давр талаби

Таҳлилларга кўра, Республикамизда 2017 йилда ЯИМ 302,5 трлн. сўмни ташкил қилган бўлса, шундан 10,6 трлн. сўми ёки 3,5 фоизи қурилиш материаллари саноатига тўғри келган. 2018 йилда эса, бу кўрсаткич 15,3 трлн. сўмга, ўсиш суръати 115,1 фоизга етди. Қурилиш материаллари саноатининг ЯИМ даги улуши ўтган йилга нисбатан 0,2 фоизли бандга ошиб, 2018 йилда 3,7 фоизни ташкил қилди.

Кўриниб турибдики, йилдан-йилга аҳолини қурилиш материалларига бўлган талаби ошиб, натижада ишлаб чиқариш ҳажми ва салмоғи ҳам ортмоқда. Шу сабабли, қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчилари томонидан ўз моддий техник базасини яхшилаш, янги турдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида, мамлакатимизга янги техника ва технологиялар олиб келинмоқда.


Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги ПҚ-4198-сонли қарорига асосан 1,3 млрд. АҚШ долларлик, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сонли қарорига кўра 500 млн. АҚШ долларлик хорижий кредит линиялари ҳисобидан, Вазирлар Маҳкамасининг 22 июлдаги 6111-сонли қарорига асосан 200 млн. АҚШ долларлик инвестицион лойиҳалар амалга оширилиб, янги қувватлар ва корхоналар яратилмоқда. Шу боис, уюшма корхоналари томонидан лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлган 210 млн. АҚШ доллари миқдоридagi технология ускуналар олиб келиниб, улар жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида жами қилинган 308,8 млн. АҚШ долларлик импортнинг 68 фоизини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 24 август кунги қабул қилинган "Давлат ва ҳўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида"ги ПҚ-4426-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, уюшма томонидан республикаимизга импорт қилинаётган қурилиш материаллари турлари таҳлил қилинди ва катта ҳажмда импорт қилинаётган 12 турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга алоҳида этибор қаратилди.

Бу борада, 2019-2021 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этишда маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, импортни қисқартириш ва саноат кооперацияси алоқаларини ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Мақзур амалий чора-тадбирлар режасига асосан мавжуд корхоналарни модернизация қилиш ва янги энергия тежамкор лойиҳаларни ишга тушириш ҳисобига республикаимизда 2019-2020 йилларда 20 млн. кв.метр керамик плитка (3 та лойиҳа), 17,1 млн. тонна цемент (11 та лойиҳа), 46,2 млн. кв.метр қурилиш ойна (4 та лойиҳа), 6261 минг кв. метр линолеум (2 та лойиҳа), 815,8 минг дона сантехник керамика буюмлари (4 та лойиҳа) бўйича ишлаб чиқариш қувватлари яратилади ва республикаимизда ички бозор талаби тўлиқ қопланиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, 2021 йилда 6660 минг рулон



гулқоғоз (3 та лойиҳа), 35 минг тонна оловбардош гишт (4 та), 1720 минг куб.метр газобетон (15 та лойиҳа) бўйича ва бошқа қурилиш материаллари бўйича қўшимча ишлаб чиқариш қувватлари яратилиши режалаштирилган.

Таҳлилларга кўра, жорий йилда ҳажми 4,3 млн. кв. метр бўлган керамик плиткалар импорт қилинган бўлиб, ушбу турдаги замонавий маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича қўшимча 3 та лойиҳани ишга тушириш орқали ички бозордаги 16,5 млн. кв. метр талабни қопланиши ва 4 млн. кв. метрдан ортиқ керамик плиткалар экспорт қилиниши кутилмоқда. Шунингдек, қурилиш ойнаси бўйича 2020 йилда 3 та лойиҳани амалга ошириш натижасида қўшимча 50,2 млн кв. метрлик қувватлар яратилиб, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 46,2 млн. кв. метрга етказилади. Натижада талаб тўлиқ қопланиб, 30 фоиз ишлаб чиқарилган қурилиш ойнасини экспорт қилиш имконияти яратилади. Шу билан бирга "Sanfa Engineering" жамияти томонидан 2020 йилда йилга 2,5 млн. кв. метр ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга ошириш натижасида ички бозордаги талаб тўлиқ қопланади.

Юқорида кўрсатилган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш бўйича уюшма томонидан амалий чора-тадбирлар режаси ҳамда бир қатор инвестицион лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Хусусан, деворбоп гулқоғоз бўйича умумий қиймати 16,3 млн. АҚШ доллари бўлган 3 та лойиҳа 2020-2021 йилларда амалга оширилади. Жорий йилнинг ўзида 3,9 млн. рулон гулқоғозлар импорт қилинган. Инвестиция лойиҳалари амалга оширилган республикаимизда гулқоғоз ишлаб чиқариш қуввати 6,6 млн. рулонга етказилади ва талаб тўла қопланади. Шунингдек, импортни қоплаш мақсадида уюшма масъулигида қамиш, гўзапо ва ёғоч қиринди плиталари (ДСП) ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича 7 та лойиҳа, керамогранит ва сантехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича ҳам 3 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Натижада, 2021 йилда ДСП бўйича талаб 80 фоизга, керамогранит ва сантехника буюмлари бўйича 100 фоизга қопланади.

2019 йилда цементга бўлган талаб 13,9 млн. тоннани ташкил этмоқда. Мамлакатимизда эса мавжуд цемент ишлаб чиқариш қувватлари 11,6 млн. тоннага тенг. Бу йўналишда 2019-2021 йилларда умумий қиймати 635 млн. АҚШ доллари бўлган 18 та лойиҳани амалга ошириш белги-ланган, натижада ишлаб чиқариш қуввати жорий йил охирига қадар 15,1 млн. тоннага, 2020 йилда эса 17,1 млн тоннага етказилади.

Шунингдек, 2019-2021 йилларда базальт тошидан ва кварц қумидан иссиқлик сақловчи плиталар, шишакристалит плиталар, оловбардош гишлар, поливинилхлориддан ва полипропилендан пластмасса қувурлар ва фитинглар, газобетон блоклари каби қурилиш материаллари ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштириш ҳисобига республикада импорт ҳажми камай-тирилади.

2020 йилнинг ўзида республикаимизда импорт ўрнини босувчи асосий қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига асосан жами 500 млрд. сўмдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 63 млн. АҚШ долларлик эркин валюта тежаб қолинади.

Ж. ШЕРМЕТОВ
"Ўзсаноатқурилиш материаллари"
уюшмаси матбуот котиби

Инновацион маркетинг концепциясини такомиллаштириш йўлида

Ўзбекистонда жадал ижтимоий-иқтисодий ислохотлар шароитида жамият ва иқтисодиётнинг барча жабҳаларида инновацион маркетингдан кенг фойдаланишга қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда банк марке- тинг стратегияларини тако- миллаштириш, янги иннова- цион хизмат турларини жорий этишда мижозлар билан ўзаро маркетинг муносабатларини ўрнатиш, тижорат банклари рақобатбардошлигини оши- риш ва уларнинг самарали фаолият юритишида иннова- цион маркетинг концепцияси- дан, шунингдек мижозларга янги банк хизматларини тақ- дим этишда "краудсорсинг" инновацион маркетинг услу- биятидан фойдаланиш, банк маҳсулотлари ва хизматлари кўрсатишда ахборот-комму- никация технологияларини қўллаш, банкларда маркетинг харажатлари ҳисобини юри- тиш, тижорат банкларининг рақобатбардошлигини оши- ришнинг инновацион марке- тинг концепциясини такомил- лаштириш борасида комплекс илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этганлигига гувоҳ бў- лиш мумкин.

Инновацион маркетинг ту- шунчасига эътиборимизни қаратганимизда "инновацион салоҳият" атамасига урғу бе- риш зарур. Бу тушунча бирин- чи марта К.Фримен томони- дан қўлланилган. Шунингдек, турли муаллифлар иқтисодий салоҳиятнинг "инновацион салоҳият" каби категория билан ўзаро алоқаларига турлича қарашади. Амалдаги салоҳи- ятчи асосан, ишлаб чиқариш қу- члари ривожланиши ташки- лий даражасида эришилган ва ишлаб чиқариш аппаратининг салоҳият имкониятиларидан максимал фойдаланиш да- ражасида яратилган асосий фондлар мажмуи ва соҳалар- ни ялпи маҳсулоти қийма- ти ёки давлатнинг умумий ЯИМини тавсифлайди. Истиқ- болдаги иқтисодий салоҳият эса, ресурслардан оптимал фойдаланилиб, идеал ишлаб чиқариш шароитларида эри- шиладиган товар ва хизмат- ларнинг мумкин бўлган энг юқори ҳажмда ишлаб чиқа-рилишини олдиндан белги- лайдиган ҳўжалик тизимнинг максимал имкониятлари орқа- ли белгиланади.

Инновацион салоҳият бор жойда биз тижорат банкла-рининг рақобатбардошлигини ошириш имкониятидан келиб чиқиб маркетинг яъни, баҳо- лаш янги банк хизматларини рақобатли бозорга киритишда инновацион маркетинг услуги – краудсорсингдан фойдала- нишда кўришимиз мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрса- тадики, тижорат банклари- нинг рақобатбардошлигини

таъминлашда асосий эъти- бор унинг капитал базасига, аниқроғи, капиталнинг етар- қилигига қаратилди. Чунки, капиталга нисбатан тижорат банклари томонидан молия- лаштиришнинг барқарор ман- баи ҳамда ҳимоя воситаси сифатида қараш лозим. Бу ўз навбатида, банк капитали тар- қибини барқарор ресурслар- дан ташкил этиш заруриятини юзага келтиради.


Рақобатбардош банк тизи- мининг ривожланиши аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъект- ларнинг йирик ҳажмдаги маб- лағларини қонуний айланма- га жалб қилиш ҳамда бизнес юритиш маданияти даражаси- ни ошириш каби устувор вази- фаларни кун тартибига кўяди. Рақобатбардошлик даражаси банк тизимининг мамлакат иқтисодиётидаги функционал роли, молиявий барқарорлик даражаси, корпоратив бошқа- рув сифати билан белгилана- ди. Буни биз кўпгина маҳаллий олимлар фикрларида исботи- ни кўришимиз мумкин.

Рақобатбардошликни ошириш бўйича шаклланган рақобат стратегияларининг тизимли таҳлили шуни кўрсат- моқдаки, хорижий мамлакат- лар олимлари фикр-мулоҳаза- ларини инобатга олган ҳолда тижорат банклари фаолияти- да шаклланган рақобат муҳи- ти ва унинг доирасини кен- гайтириш борасидаги назарий ёндашувларга алоҳида "ҳам- корлик қилиш" ва "бренднинг" тижорат банклари фаолияти- да шаклланган рақобат муҳи- тининг асосий методологик ён- داشувларини ташкил этмоқда.

Ўзбекистон ва унинг ҳудуд- ларидаги тижорат банклари- да шаклланган рақобат муҳи- тини баҳолаш М.Портернинг рақобатни шакллантирувчи детерминантлари асосида баҳолашни, уларнинг рақо- батбардошлик омилларини тизимини шакллантиришдаги асосий услубиёт сифатида қа- раш мақсадага мувофиқ.

Банк соҳасида фаолият юритаётган Тижорат банклари рақобатбардошлигини баҳо- лашнинг 3 даражада: опера- цион фаолияти, инновацион фаолияти ва уларнинг бозор талабига мослаштиришдаги таъсирини белгилаш орқали баҳолаш методикасидан ама- лиётда фойдаланиш уларнинг мижозларга мослашиш, турли зарар келтирувчи ҳолатлардан ҳимояланиш, сақлаб қолиш ва янада ривожланиш имконини беради.

Сарвар ИСМОИЛОВ
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридagi
Давлат Бошқаруви
Академияси тингловчиси



ТАДБИРКОРЛАРГА ДОИМО ЕЛКАДОШ БАНК

Фаргона шаҳар собиқ механика заводи ҳудудида ташкил этилган кичик sanoat зонасида умумий қиймати 321 миллиард сўмлик бўлган 14 лойиҳа амалга оширилмоқда. Яқинда иш бошлаган "Forestcolor" масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шулардан биридир. Мазкур жамият томонидан истиқболли лойиҳа ишга туширилиб, ички ва ташқи бозор талаблари асосида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.



– Юртимизда тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилапти, – деди "Forestcolor" МЧЖ раҳбари Рашид Шоматов. – Биз ҳам шу имкониятдан фойдаланиб йирик лойиҳаларни ҳаётга таъбиқ этияпмиз. Бунда "Микрокредитбанк" АТБ Фаргона вилоят минтақавий филиали бизга кўмакдош бўлиб, 300 минг АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратди. Бунинг эвазига замонавий дастгоҳларни сотиб олиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдик.

Айни кунларда МЧЖда 150 хотин-қиз иш билан таъминланган. Бу ерда 50 турдан ортик аёллар, эркаклар ва болалар учун трикотаж маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Бугун Фаргона вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ўзининг амалий самараларини бера бошлади. Бунда тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар ва молиявий хизматларнинг ўрни катта бўлмоқда. Хусусан, "Микрокредитбанк" АТБ Фаргона вилоят минтақавий филиали тадбиркорларга ҳар томонлама кўмак беришни муҳим вазифа сифатида белгилаб олган. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 23 мартда қабул қилинган "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида ҳам салмоқли ишлар бажарилмоқда.

– Бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида банк тизимида хизматлар кўрсатишнинг бозор механизми жорий этилмоқда, уларнинг турлари кенгайтирилмоқда, тадбиркорлар ва аҳоли учун молиявий очиқлик таъминланмоқда, – деди "Микрокредитбанк" АТБ Фаргона вилоят минтақавий филиали бошқарувчиси Э. Олимов. – Айниқса, тижорат банкларига тад-

биркорларни қўллаб-қувватлаш учун зарур маблағлар тақдим этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган 3 минг 796 тадбиркорга 90 миллиард 983 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди ва 2 минг 951 янги иш ўрни яратилди.

Мазкур банк томонидан ажратилаётган кредитлар тадбиркорга турли мақсадлар учун, жумладан, касаначилик, ҳунармандчилик, пазандачилик, фермерлик каби барча жабҳаларни ривожлантиришга берилмоқда. Хусусан, 54 ҳунармандга 1 миллиард 764 миллион сўм, 93 хотин-қизга 2 миллиард 324 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, банк томонидан тадбиркорларга хорижий давлатлардан янги технологиялар сотиб олиши учун хорижий валютада кредит маблағлари ажратилиши билан бир қаторда Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан тақдим этилаётган кафиллик ва компенсациялар ажратилишида ҳам тадбиркорларга кўмаклашиб келинмоқда.



Жорий йилнинг ўтган даврида 4 тадбиркорлик субъектига 850 минг АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ажратилди ҳамда банк ташаббуси билан 2 тадбиркорга Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан 3 миллиард 300 миллион сўм миқдорида кафиллик ва 1 тадбиркорга кредит фоизининг 5 фоизини қоплаш учун компенсациялар ажратилди.

Марғилон шаҳридаги "Siniorita" хусусий корхонасида Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллиги остида 245 минг АҚШ доллари кредит ажратилди. Бунинг натижасида аёллар пойабзали ва сумкаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхона раҳбари Баҳромжон Мирхўжаевнинг айтишича, бу ерда йилига ўртача 300 минг жуфт тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти бор.

Ҳозирда мижозларга қулайликлар яратиш мақсадида банк томонидан интерактив банк хизматлари жорий қилинган. Бугунги кунда 2 минг 230 банк мижозлари интерактив банк хизматларидан фойдаланган ҳолда ҳисобрақамларини масофадан туриб бошқариб келмоқда. Бу эса ўз навбатида мижозларнинг маълум бир миқдорда харажатлари, айниқса, вақтларини тежаш имконини бермоқда.

Бундан ташқари, банкда ҳозирги кунда 13 турдаги омонатлар мавжуд. Шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштириш борасида ҳам алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкнинг тадбиркорлар билан ҳамкорлиги юртимиз ободлиги, оилаларимизнинг фаровонлиги учун хизмат қилмоқда.

ЎзА

FINANCEUZ хабар қилади

Халқ банки "UzPay" миллий валютадаги пул ўтказмалар тизимини жорий этди

Ўзбекистон ҳудудида Халқ банкнинг филиаллари орқали "UzPay" миллий валютадаги пул ўтказмаси амалиётга жорий этилди.

Пул ўтказмасининг энг кам миқдори 10 000 сўм, энг юқори қиймати белгиланмаган.

Ушбу ўтказма нақд ва нақд пулсиз шаклда амалга оширилади. Барча ўтказмалар учун 1 % хизмат ҳақи олинади.

Мижоз ушбу ўтказма орқали банкнинг исталган филиалдан маблағлари жўнатиши ҳамда исталган филиалдан олиши мумкин.

Пулни жўнатиш:

- банкнинг исталган филиалига мурожат қилади;
- шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этади;
- пул жўнатишнинг минимал миқдори 10 000 сўм;
- маблағларни нақд ва нақдсиз кўринишда ўтказиши мумкин;

– олувчининг ФИО ва телефон рақамини (олувчининг телефон рақамига 10 та рақамдан иборат СМС боради) банк ходимига беради;

– пулни топширади ва ҳужжатларга имзо чекади.

Пулни олиш:

- банкнинг исталган филиалига мурожаат қилади;
- шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этади;
- банк ходимига 10 талик рақам ва қанча маблағ келгани айтилади.

"Агробанк" янги универсал банк хизматлари марказини ишга туширди

Тошкент шаҳрининг Миробод туманида "Агробанк" АТБ Тошкент шаҳар филиали қошида янги универсал банк хизматлари маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Янги марказ мижозларга самарали хизмат кўрсатиш учун илғор техника ускуналар билан жиҳозланган ҳамда ташриф буюрувчилар учун қулай бўлган барча шароитларга эга.

Миробод банк хизматлари маркази жисмоний ва юридик шахслар учун барча турдаги банк хизматлари ва маҳсулотларини, шу жумладан, омонатлар, истеъмол кредитлари, банк карталари, валюта айирбошлаш, халқаро пул ўтказмалари ва бошқа хизматларни таклиф этади.

"Микрокредитбанк"нинг янги кредит линияси очилди

Экспорт-импорт лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида "Микрокредитбанк" Россиянинг "ТрансКапиталБанк"идан 5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияси жалб қилди.

Энди тадбиркорлар "ТрансКапиталБанк"нинг кредит линияси билан Ўзбекистоннинг исталган ҳудудида тадбиркорлик лойиҳаларини амалга оширишлари мумкин.

Эслатиб ўтамиз, бундан бироз аввал "Микрокредитбанк" Россиянинг "ТрансКапиталБанк"ида АҚШ доллари, евро ва рубл валюталарида корреспондентлик ҳисобрақамларини ҳам очган эди.

"ОМАД СУҒУРТА"ГА ЛИЦЕНЗИЯ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли буйруғига асосан "ОМАД СУҒУРТА" масъулияти чекланган жамиятига умумий суғурта тармоғида 17 класс бўйича ихтиёрий ва мажбурий суғуртани (транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ва ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишдан ташқари) амалга ошириш учун 2019 йил 10 декабрда МФ 00254-сонли лицензия берилди. Бу ҳақда Молия вазирлиги веб-сайти маълум қилган.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ҲУДУДЛАРДА ҚАНДАЙ САМАРА БЕРЯПТИ?

Президентимизнинг 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 августдаги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бугунги кунда кўплаб ёшларимиз учун кенг имкониятлар яратмоқда.



Мазкур ҳуқуқий меъёрлар асосида “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси ташкил этилиб, ёшларнинг бизнес ташаббуслари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, банд бўлмаган ёшларни мутахассисликлар ва бизнес юриштиш кўникмаларига ўқитиш, шунингдек, умуман ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Yoshlar – kelajagimiz” жамғармасининг фаолият бошлаганига ҳам бир йилдан ошди. Хўш, бу давр ичида ҳудудларда жамғарма филиаллари қандай ишларни амалга оширди? Улар дастурда белгиланган вазифаларни тўлиқ бажара оляптими? Бу саволга жавоб топиш мақсадида Самарқанд вилояти Оқдарё тумани “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси туман филиалининг шу кунга қадар амалга оширган лойиҳалари билан танишдик.

– Шу давр ичида жамғарма томонидан юзга яқин ёшларнинг бизнес ташаббуслари кўллаб-қувватланиб, имтиёзли кредитлар ажратилди, – дейди филиал раҳбари Зафар Ҳасанов. – Бунинг натижасида эндигина ҳаёт оstonасига қаддам кўйган ёшлар ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиб, кўллаб-тенгдошларини иш билан таъминлаётир. Жумладан, жорий йилнинг ўзида жамғармамиз 10 та лойиҳа ташаббускорларига 2 млрд. 575 млн. сўм имтиёзли кредит берган бўлса, улар томонидан элликка яқин янги иш ўринлари яратилди. Энг асосийси, ажратилган сармоялар ўз самарасини бериб, тўғри фойдаланилмоқда. Ёш ишбилармонларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари жадал суръатда тараққий этмоқда.


Ана шундай ғайратли ёшлардан бири тумanning “Янгиқурғон” маҳалла фуқаролари йиғинида истиқомат қилувчи Абулқосим Рустамовдир.

Унинг бизнес ташаббуси

бугун кўпчилики лол қолдирганди. Чунки ким ҳам ўйлабди дейсиз, арзимаган чиқиндидан яхшигина даромад олиш мумкинлигини. Лекин Абулқосим бунинг уйдасидан чиқди. У атроф-муҳитга зарарли ҳисобланган – салафан пакет, полителин чиқиндиларни қайта ишлаш лойиҳасини ишлаб чиқиб, “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси Оқдарё туман филиалига ўзининг лойиҳаси бўйича бизнес режасини тақдим қилди. Унинг ишлаб чиқариш ғояси бўйича тузилган бизнес режаси жамғарма томонидан кўллаб-қавватланиб, 2019 йил “Hamkorbank” АТБ “Бағишамол” филиалидан 200,0 млн сўм имтиёзли кредит ажратиб берилди. Натижада ёш тадбиркор “Yangiqurg'on polimer” хусусий корхонасига асос солиб, 5 нафар ёшни иш билан таъминлади. Бугунги кунда корхонада полителин чиқиндилар қайта ишланиб, соро (гранула)га айлантирилиб, қайтадан полимер маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилмоқда.

Ёш тадбиркор Абулқосим Рустамов жорий йилнинг ноябрь ойида пойтахтимиздаги “Ёшлар ижод” саройида Ўзбекистон Республикаси “Ёш тадбиркорлар” II-Республика форумида ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Унинг бизнес ғояси ва корхона маҳсулотлари кўпчилик мутахассислар томонидан эътироф этилиб, юқори баҳоланди.

Рустам ПЎЛАТОВ



Яна бир ёш тадбиркор Оқдарё тумани Примкент маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Темуржон Носировдир. У аслида ёш фермерлардан.

Темур фермер ҳўжалиқдаги насли чорва молларини сонини кўпайтириб, гўшт ва сут маҳсулотлари етиштиришни ошириш мақсадида “Yoshlar-kelajagimiz” жамғармаси Оқдарё туман филиалига мурожаат қилди. Унинг бу ташаббуси ҳам жамғарма томонидан кўллаб-қувватланиб, “Hamkorbank” АТБ “Бағишамол” филиали томонидан 250,0 млн сўм имтиёзли кредит ажратиб берилди. Бу маблағга фермер хориждан 14 та насли қорамол олиб келди. Айни дамда ёш тадбиркор насли молларидан кунлик 400 литргача сут соғиб олиб, туман марказидаги сутни қайта ишлаш цехларига етказиб бермоқда.

Ана шундай ўзига хос лойиҳалардан бири – ёш тадбиркор Каримжон Булаковнинг ҳайдовчиларни тайёрлашга ихтисослашган Авто мактабидир. Ёш тадбиркор “OQDARYO AVTO MAKTAB” МЧЖ фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси туман филиалидан 140,0 млн. сўм имтиёзли кредит олиб, ўз фаолиятини йўлга қўйган ҳамда 19 нафар ёшларни иш билан таъминлади. Айни кунда унинг бу фаолияти яхшигина даромад келтириши баробарида кўллаб ёшларнинг ҳайдовчилик сирларини эгаллашига ҳам туртки бермоқда.

“Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси туман филиали фаолияти билан танишганимизда бундай самарали лойиҳаларнинг кўпига гувоҳ бўлдик. Бу эса филиалнинг Давлат дастурида белгиланган вазифаларни астойдил адо этишга ҳаракат қилаётганидан дарак беради.

ЭЪТИРОФ

“Turkey Golden Brand Awards” тақдирлаш маросимида “Турк – Ўзбек алоқаларига қўшган ҳиссаси” номинациясига “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки лойиҳа деб топилди.

“Микрокредитбанк” “Turkey Golden Brand Awards” мукофотини қўлга киритди

Туркиянинг Истанбул шаҳрида “Истанбул бренд ва карьера саммити” доирасида ташкил этилган “Turkey Golden Brand Awards” тақдирлаш маросими бутун жаҳон мамлакатларини иқтисодий соҳасида бирлаштирувчи маросим ҳисобланади. Тақдирлаш маросимида 500 дан ортиқ иштирокчи қатнашди. Танлов 2017 йилдан бери утказиб келинмоқда.

Бу йилги маросимда асосий ургу Ўзбекистон ва Туркия мамлакатларининг иқтисодий алоқаларини яхшилаш, келажақдаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилди.

finance.uz

Бугунги кунда ёшларни ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун ҳукуватимиз томонидан қатор чора-тадбирлар кўрилиб, уларга барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Шу билан бирга кейинги йилларда ана шу келажақ авлодни етув шахс бўлишида асосий ролни бажарётган устоз ва мураббийларга ҳам қатор имконияту имтиёзлар берилмоқда.

ИМТИЁЗДАН МИННАТДОРМИЗ



Хусусан, Ўзбекистон Президентининг “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинганди. Унга кўра, ўрта ва олий таълим даргоҳларининг ўқитувчиларининг яшаш шароити яхшиланиб, моддий фаровонлигини ошириш назарда тутилган эди. Айни дамда мазкур қарорнинг ижросига алоҳида эътибор қаратилиб, бир қанча ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, ўқитувчиларнинг маошлари bosқичма-bosқич оширилиб, уларга турли имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Айниқса, қарор доирасида ўқитувчиларга имтиёзли автокредитларнинг берилиши кўллаб мураббий ва устозларнинг қувончига сабаб бўлаётир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдим этилган рўйхат бўйича халқ таълими тизимидаги педагог ходимларга истеъмол кредитлари, шу жумладан, автотранспорт соғиб олиш учун махсус жамғарма ҳисобидан келишилган шартлар асосида кредитлар бериш тартиби ўрнатилди. Натижада жорий йилнинг ўзида республикамиз бўйлаб юзлаб ўқитувчи-ю мураббийлар автоулов олиш имкониятига эга бўлдилар.

Бундай имтиёزلардан узоқ йиллардан бери ёш авлодга таълим бериб келаётган Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида жойлашган 247- умумтаълим мактаби ўқитувчилари ҳам фойдаланиб, тўрт нафар малакали ўқитувчилар имтиёзли кредит асосида автомобиль соҳибига айланишди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бундай қулай имтиёз ва рағбат кўллаб мураббийларнинг қувончига сабаб бўлиши баробарида уларнинг оилаларига ҳам хурсандчилик олиб келди. Бу эса, уларда ўз касбига бўлган меҳрини янада ошириб, бор куч-ғайрати билан ёшларга билим беришга ундаётир.

Дилбар АБДУРАҲМАНОВА,
Тошкент шаҳар 247- умумтаълим мактабининг
рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ЛОМБАРДЛАР ТОМОНИДАН КАССА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҚОИДАЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2019 йил 6 ноябрда 1719-3-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПФ-5564-сон "Товар бозорларида савдо ни янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, 2019 йил 23 июлда

ги ПҚ-4400-сон "Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 июлдаги 555-сон "Ўзбекистон Республикаси Миллий

гвардияси қўриқлаш хизматининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқа-

рувининг 2007 йил 21 июлдаги 20/3-сон қарори (рўйхат рақами 1719, 2007 йил 24 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 39-сон, 405-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотла-

ри ва ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

М. НУРМУРАТОВ

Марказий банк раиси

Тошкент ш.,
2019 йил 24 август,
21/10-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2019 йил 24 августдаги 21/10-сон қарорига
ИЛОВА

Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 6-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

"6. Нобанк кредит ташкилотлари кассадаги нақд пул қолдигининг белгиланган лимитидан ортиқча бўлган қисмини банкдаги ҳисобва-

рақларига киритиш учун инкассация хизматлари орқали ёки мустақил равишда банк кассаларига топширадилар."

2. 16-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловаси-

Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси қўмондони
2019 йил 9 октябрь

Ўзбекистон Республикаси
Фавқуллода вазиятлар вазири в.б.
2019 йил 14 октябрь

га мувофиқ тахрирда баён этилсин.

3. 2-илованинг 2-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

"2. Нобанк кредит ташкилотларининг пул маблағла-

ри ва бойликларини банк муассасаларидан олиб келиш ёки уларга топширишда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати томонидан шартнома асосида транспортда

кузатиб борилиши мумкин."

4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Ўзбекистон Республикаси Фавқуллода вазиятлар вазирилик билан келишилган.

Б. ТАШМАТОВ

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларига киритилаётган ўзгартиришларга
ИЛОВА

"Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларига
16-ИЛОВА

Нобанк кредит ташкилотларининг касса хоналарини техник жиҳатдан мустаҳкамлаш ва қўриқлаш – ёнғиндан огоҳ этиш воситалари билан жиҳозлаш бўйича ТАЛАБЛАР

1. Мазкур талаблар нобанк кредит ташкилотларида касса хоналарини техник жиҳатдан мустаҳкамлаш ва қўриқлаш – ёнғиндан огоҳ этиш воситалари билан жиҳозлаш бўйича меъёрларини белгилайди.

2. Нобанк кредит ташкилотлари томонидан ташкил этиладиган кассалар гиштли ёки темир бетон деворларга, мустаҳкам эшикларга, пол ва шифтларга эга бўлиши лозим.

3. Касса хоналари пул ва бошқа қимматликларни сақлаш учун ёнмайдиган сейфлар билан жиҳозланган, шунингдек улар деворга ёки полга қотирилган бўлиши лозим.

4. Нобанк кредит ташкилотлари кассаларининг қурилиш-монтаж, техник жиҳатдан мустаҳкамлиги ва хавфсизлиги, уларда қимматликларнинг бутлиги, дахлсизлиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича масъулият ушбу ташкилотлар раҳбарлари зиммасига юклатилади.

5. Касса хоналарига нобанк кредит ташкилотлари ички ёрига кўра замонавий техно-

логиялар асосида яратилган, дастурий таъминотга асосланган воситалар ёрдамида моддий жавобгар шахсларнинг биометрик ("бармоқ изи", "кўз гавҳари", "товуш диапазони" ва бошқа) белгиларига қараб идентификация қилишга қодир бўлган эшиклар ўрнатилиши мумкин.

6. Ёнғин ёки фавқуллода вазиятлар юзга келганда инсонларни ва моддий бойликларни сақлаш мақсадида, бинонинг дераза ромларига панжаралар хонанинг ички томонидан енгил очиладиган қилиб ўрнатилиши лозим.

7. Касса хоналари қўриқлаш сигнализациясининг иккита ҳимоя тўсиғи билан жиҳозланиши шарт:

а) биринчи ҳимоя тўсиғи – хонанинг периметрини ҳимоя қилади. Касса хоналарида деразалар мавжуд бўлганда, улар дераза очилиши ва ойна синишини қайд этиш қурилмалари билан жиҳозланади;

б) иккинчи ҳимоя тўсиғи – хонанинг ҳажмини ҳимоя қилади. Бунинг учун ҳажмини

қўриқлаш (ультратовуш, инфракизил, оптик-электрон, радиотўлқин русумли) қурилмалари қўлланилади.

8. Касса хоналарида кассирларнинг иш жойлари ташвиш тугмалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

9. Касса хоналаридаги қўриқлаш сигнализациясининг иккита ҳимоя тўсиғи ишдан ташқари вақтда қабул-назорат ускунаси орқали техник қўриқлаш пунктига қўриқлашга топширилади. Касса хоналаридаги ташвиш тугмалари иш вақти давомида техник қўриқлаш пунктига уланади.

10. Касса хоналаридаги қўриқлаш сигнализациясининг иккита ҳимоя тўсиғи алоҳида шлейфлар билан қабул-назорат ускуналарига улашиб, унинг чиқиши битта шлейф орқали техник қўриқлаш пунктига ва кассанинг навбатчилик хонасидаги хабар бериш ускунасига уланади, шунингдек электр энергияси бўлмаган тақдирда қўриқлаш сигнализациясининг ўн икки соат ишлаб

туришини таъминловчи захира электр манбаи билан таъминланиши лозим.

11. Касса хоналари норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда ёнғиндан автоматик хабар берувчи қурилмалар (тутунли, иссиқли ва ҳ. к.) билан жиҳозланади ва улар техник қўриқлаш пунктига ёки навбатчи ходимлар постига ёнғиндан хабар берувчи назорат қилиш ускунасига уланади.

12. Қўриқлаш сигнализацияси ва ёнғиндан автоматик хабар берувчи қурилмалар тизими ва кассани ёритиш тизими алоҳида-алоҳида монтаж қилинади ҳамда уларнинг узлуksиз ишлаши таъминланиши лозим. Симларнинг барча турлари пластмасса қувурларда яширилган ҳолда ўтказилади.

13. Касса хоналарининг ёнғиндан автоматик хабар берувчи қурилмалари тизими ШНҚ 2.04.09-2007 "Бино ва иншоотларнинг ёнғин автоматикаси" талабларига мувофиқ келиши ва доимо ишчи ҳолатда бўлиши лозим.

14. Касса хоналарини қўриқлаш сигнализация воситалари ва ёнғиндан автоматик хабар берувчи қурилмалар билан жиҳозлашга доир ишлар рухсатномага (лицензияга) эга бўлган юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

15. Касса хоналарида монтаж қилинган қўриқлаш ва ёнғиндан автоматик хабар берувчи қурилмаларни монтаж ташкилотидан фойдаланишга қабул қилиш ва далолатномани имзолаш Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш бўлиналари, Ўзбекистон Республикаси Фавқуллода вазиятлар вазириликнинг ҳудудий бўлиналари ва нобанк кредит ташкилотларининг вакиллари билан биргаликда тузилган комиссия томонидан амалга оширилади. Монтаж ташкилоти мажбурий тартибда қўриқлаш ва ёнғиндан автоматик хабар берувчи қурилмалар монтажнинг ижро чизмаси ва монтаж қилинган сигнализация аппаратларини ишла-тиш йўриқномасини тақдим этади."

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

БАНК ХИЗМАТЛАРИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИ
АМАЛГА ОШИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА
ҚЎЙИЛАДИГАН МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
22 ноябрда 3030-3 -сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида" -ги Қонунига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/18-сон қарори (рўйхат рақами 3030, 2018 йил 2 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 9 июль, 27-сон,

553-модда) билан тасдиқланган Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида низомага иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк Раисининг
Биринчи ўринбосари
Тошкент ш.,
2019 йил 26 октябрь,
26/2-сон

И. НОРҚУЛОВ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2019 йил 26 октябрдаги 26/2-сон қарорига
ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

“МИКРОКРЕДИТ

ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ
ҲИСОБИ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ
РЕЖАСИНИ ТАСДИҚЛАШ
ҲАҚИДА”ГИ ҚАРОР, ШУНИНГДЕК
УНГА ЎЗГАРТИРИШ ВА
ҚЎШИМЧАЛАРНИ ЎЗ КУЧИНИ
ЙЎҚОТГАН ДЕБ ТОПИШ
ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги

томонидан 2019 йил 25 октябрда
1639-4-сонли рақами билан
рўйхатдан ўтказилди

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2019 йил 14 сентябрь,
22/5-сон

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2019 йил 14 сентябрдаги 22/5-сон қарорига
ИЛОВА

Ўз кучини йўқотган деб топилаётган
идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 24/5-сон "Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасини тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 1639, 2006 йил 11 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 46-47-сон, 463-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 21 майдаги 16/5-сон "Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 1639-1, 2011 йил 24 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 26-сон, 271-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 26 апрелдаги 9/3-сон "Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 1639-2, 2013 йил 15 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 20-сон, 261-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/7-сон "Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 1639-3, 2018 йил 5 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.04.2018 й., 10/18/1639-3/1008-сон):

Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомага киритилаётган қўшимчалар

1. Қуйидаги мазмундаги 365-банд билан тўлдирилсин:
"365. Банк қарз олувчининг ва (ёки) гаровга қўювчининг сугурта компанияси ва (ёки) баҳоловчини танлаш ҳуқуқини чекламаслиги лозим."

2. Қуйидаги мазмундаги 373 ва 374-бандлар билан тўлдирилсин:

"373. Қарз олувчи-юридик шахснинг хорижий валютада кредит олишга бўлган танлови ва бундай танловга кўра хорижий валюта курсининг ўзгариши натижасида хорижий валютада олинган кредит бўйича миллий валютадаги қарз юкининг ошиши билан боғлиқ равишда келиб чиқадиган оқибатлар банк ва қарз олувчи ўртасида тузилган кредит шартномасида акс эттирилиши шарт.

374. Банк қарз олувчи томонидан шартномага асосан кредит (қарз) бўйича қарздорлик суммасини тўлаш мажбурияти тўлиқ бажарилган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмаган ҳолда мазкур қарз бўйича:

гаровда турган мулкни таққидан чиқариш;
гаров сифатида бўлган мол-мулкка нисбатан банкнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувни гаров реестридан чиқариш чораларини кўриши шарт."

3. Қуйидаги мазмундаги 381 – 383-бандлар билан тўлдирилсин:

"381. Банк томонидан мижознинг банк ҳисобварағи ва (ёки) банк омонати, шу жумладан, банк картала-

ри бўйича (банк карталари билан фойдаланаётган пайтда "PIN-код"ни нотўғри терилиши оқибатида блокировкага тушган ҳолатлар бундан мустасно) амалиётлар тўхтатиб қўйилганда, банк амалиёт тўхтатилган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда ҳисобварақ ёки омонат эгасига унинг ҳисобварағига хизмат кўрсатиш тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари юзасидан хабарнома (маълумотнома) юбориши шарт.

382. Банк томонидан кредитлар, микроқарзлар ва лизинг бўйича қарздорликларни сўндириш учун банк ҳисобварағи ва (ёки) банк омонатидан (шу жумладан, банк карталари бўйича) маблағлар ҳисобварақ (омонат) эгасининг топширигисиз ҳисобдан чиқарилганда, банк ушбу маблағ ҳисобдан чиқарилган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда ҳисобварақ (омонат) эгасига унинг ҳисобварағидан қанча миқдордаги маблағ қандай сабабларга асосан ва кимнинг фойдасига чиқарилганлигини кўрсатган ҳолда хабарнома (маълумотнома) юбориши шарт.

383. Мазкур Низомнинг 381 ва 382-бандларида назарда тутилган хабарномалар (маълумотномалар) мижозларга шахсан, почта ёки электрон алоқа воситалари ва бошқа коммуникация каналлари орқали топширилиши мумкин. Хабарномани (маълумотномани) олиш усу-

ли истеъмолчи томонидан мустақил равишда танлангани ва танланган усул банк ҳисобварағи ёки омонати шартномасида кўрсатилиши лозим. Мижоз хабарнома (маълумотнома) етказиш усулини банкка шахсан ёки почта орқали ёзма ариза тақдим этиш йўли билан ўзгартириш ҳуқуқига эга. Бунда мижоздан қабул қилинган ариза банк томонидан унинг банк ҳисобварағи бўйича йиғмажилдида ёки омонат ҳисобварақлари бўйича алоҳида картотекада сақланади.

Хабарномани (маълумотномани) мижозга етказиш усули ўзгарганлиги муносабати билан банк ҳисобварағи ёки омонати шартномасига ўзгартиришлар киритиш талаб этилмайди."

4. Қуйидаги мазмундаги 501-банд билан тўлдирилсин:

"501. Банкнинг мансабдор шахслари томонидан шахсий қабулни ўтказишга доир талаб билан жисмоний шахслардан ва юридик шахсларнинг вакилларидан ёзма муурожаатлар келиб тушганда, банк ушбу муурожаатлар келиб тушган санадан бошлаб 7 кундан кечиктирмаган ҳолда ушбу шахсларга банкнинг мансабдор шахсларига қабул санаси ва вақти кўрсатилган ҳолда қабул белгиланганлиги, шунингдек қабулни амалга оширадиган банк мансабдор шахсларининг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозимини кўрсатган ҳолда хабарнома юбориши лозим."

СТАВКА ТУШИШДА ДАВОМ ЭТАДИМИ?

Россия Банки йилни паст фоиз ставкаси билан якунлади. Поёнига етаётган 2019 йил монетар сиёсатнинг юмшатилиши нуқтаи назаридан фаол йил бўлди, бироқ келгусида мувофиқлаштирувчи қай йўлдан бориши номатълум. Бу ҳақда vestifinance.ru сайти маълум қилган.

РФ МБ раҳбари Эльвира Набиуллина қайд этишича, Россия Банки 2020 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида асосий ставкани истиқболда тушириш имкониятига эга, аммо бу қадамнинг зарурати юзасидан ҳар томонлама ўйлаб кўришга тўғри келади.


“Биз бугун 2020 йил биринчи ярим йиллигида асосий ставкаларни истиқболда пасайтириш мақсадга мувофиқлигини баҳолаб кўришимизни маълум қилдик. Аввалроқ икки қарра кузатишдан сўнг биз асосий ставкани туширишга

эришгандик. Қайтариб ўтаман, худди аввалгидек биз фоиз ставкаларини тушириш майдонини кўра олаёلمиз. Аммо февраль ойида ҳам, ундан кейинги мажлисларда ҳам биз бу қадамнинг ҳар томонлама зарурлиги ҳамда ўз вақтида ташланаётганини баҳолаёмиз”.

ТАСС томонидан ўтказилган сўровномада иштирок этган мутахассислар кутаятганидек, Россия тартибга солувчилари пул-кредит сиёсатини юмшатиш даври ҳали тугамади ва 2020 йил 7 фев-

ралда директорлар кенгаши томонидан ўтказиладиган йиғилишда ставкани тушириш ҳақидаги навбатдаги қарор қабул қилиниши режалаштирилмоқда.

Келаси йилда ставка улуши йилга 5,5-6 фоизгача тушишда давом этади, бироқ МБнинг бундан паст фоизга туширишга тайёрлигига шубҳа билдиришмоқда. Ставкани туширишга яна бир омил, яъни рублнинг мустақамланиши ҳам сабаб бўлиши мумкин. Гап шундаки, ўтган ҳафта жума куни



фавқуллода ёрқин савдо куни бўлиб ўтди, яъни доллар ва рубль валюталари қиймати тушди, сўнг ошди, яна бир бор тушди ва яна ошди.

Техник жиҳатдан кундузги графикда кузатишдан ҳолатга

кўра рубль қиймати тушиши мумкинлигини тахмин қилишди. Агар тахминлар тўғри чиққан тақдирда Россия Банки режаси ўзгариши ва ставкалар туширилиши узоқ муддатларга чўзилиб кетиши мумкин.

Егулик учун катта миқдордаги маблағини сарфлайдиган давлат Украина оилалари экан. РИА Новости тадқиқотларида ёзилишича, украинлар 50 фоиз даромадини егуликка сарфламоқда.

Қозоғистонликлар даромадининг 47,6 фоизини, молдаванлар 43,8 фоизини озиқ-овқатга йўналтирмоқда. Шимолий Македония аҳолиси эса оилавий маблағнинг 37,8 фоизини, Болгарияда 36,5 фоизини, Беларуссияда 36,3 фоизини ишлатади.

Энг кам харажатлар улуши Люксембург аҳлига тегишли бўлиб, улар оилавий даромадининг 8,4 фоизини сарфлашар экан. Голландия ва Буюк Британияда 10,6 фоиз, ирландлар 11,5 фоиз ва финлар 11,7 фоиз даромадини егуликка йўналтиради.



ЕГУЛИК УЧУН ҚАЙСИ МАМЛАКАТ КЎП МАБЛАҒ САРФЛАЙДИ?

Россия рейтингнинг 31-поғонасида 30 фоизлик кўрсаткич билан турибди. Энг қизиғи, спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулотларга шу маблағларнинг 3 фоизини сарфлашар экан. Бу борада Россия рейтингнинг 25-ўринини эгаллаб келмоқда. Худди шунча маблағни белоруслар сарфласа,

Хорватия, Чехия ва Голландия халқи эса 2,9 фоиз даромадидан юқоридаги мақсадда фойдаланишади.

“Зарарли воситалар”га энг кўп харажатлар йўналтирадиганлар сафида Руминия (8,2 фоиз), Болгария (5 фоиз) ва Сербия (4,9 фоиз) мамлакатлари турибди.

ОСИЁ РИВОЖЛАНИШИ БЎЙИЧА ПРОГНОЗЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) жорий ва келаси йил Осиёни ривожлантириш бўйича прогнозлари пасайишини эълон қилди. Банк таҳлилчилари ўз қарорларини Хитой ва Ҳиндистон учун паст прогнозлар минтақанинг бошқа мамлакатларида иқтисодий фаолликнинг пастлигини кўрсатиши билан изоҳлашди.



Банк 2019 ва 2020 йилларда Осиёдаги ривожланаётган давлатлар учун ўсиш прогнозини 5,2% гача пасайтирди. Илгари ўсиш мос равишда 5,4% ва 5,5% бўлиши кутилган эди.

ОТБ бу йил ва кейинги сентябрда Хитой учун ўсиш

кўрсаткичларини мос равишда 6,2% ва 6,0% дан 6,1% ва 5,8% гача пасайтирди. Асосий омиллар СГА билан савдо-сотиқнинг кескинлашиши ва чўчка гўшти нархининг кескин кўтарилиши бўлиб, истеъмолчиларнинг харажатларини камайтирди.

“Ривожланаётган Осиёдаги ўсиш ҳали ҳам барқарор бўлса-да, давом этаётган савдо тангликлари минтақага салбий таъсир кўрсатмоқда ва узоқ муддатли иқтисодий истиқболлар учун энг катта хавф бўлиб қолмоқда”, деди ОТБ бош иқтисодчиси Ясуюки Савада.

“Бошқа томондан, инфляция озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари ошиши билан ўсмоқда, чунки АСФ чўчка гўшти нархини сезиларли даражада оширди”, деб қўшимча қилди Савада.


Учинчи чорақда Хитойнинг иқтисодий ўсиши ҳар йили кутилганидан 6% секинлашди. Шундай қилиб, ушбу кўрсаткич мамлакат ҳукумати томонидан белгиланган 6-6,5% оралиғида эди, бу деярли 30 йил ичида энг ёмон натижани кўрсатди.

Шунингдек, ОТБ Жанубий Осиёдаги энг катта иқтисодийёт – Ҳиндистоннинг 2019 ва 2020 молиявий йилларга мўлжалланган прогнозини 5,1% ва 6,5% га туширди. Сентябрь ойида банк мутахассислари истиқболларни анча юқори баҳоладилар: мос равишда 6,5% ва 7,2%. Салбий омил банк бўлмаган молия компанияларининг ликвидлиги муаммолари ва меҳнат бозоридagi ўсиш суръатларининг пастлигидир.

Ривожланаётган Осиё озиқ-овқат нархларининг ўсиши билан тўқнашмоқда: мутахассисларнинг фикрига кўра, 2019 йилда инфляция даражаси 2,8 фоизни, 2020 йилда эса 3,1 фоизни ташкил этади. Илгари, ҳар икки йил учун прогноз қилинган 2,7% даражада эди.

ХИТОЙДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИ РЕЖАНИ ОРТИҒИ БИЛАН БАЖАРДИ

“Вести.Экономика” нашрида ёзилишича, ноябрь ойидаги расмий маълумотлар сўнгги беш ойдаги максимум натижадан ошиб кетди.



Таҳлилчилар Reuters агентлигига берган жавобда ХХР саноатида ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 5,0 фоиз ўсишини башорат қилганди. Бу эса, октябрь ойидаги 4,7 фоизга нисбатан кўп кўрсаткичдир.

Расмий статистикага кўра, ноябрь ойида кўрсаткич йиллик ҳисобда 6,2 фоизга етганини маълум қилган.

ХХР Миллий статистика бюроси маълумотида кўра, январдан ноябргача асосий капитал сифатида киритилган инвестициялар 5,2 фоиз ўсган. Бу кўрсаткич таҳлилчилар башоратига мос келди.

Хусусий тармоқнинг асосий капиталдаги инвестицияси мамлакатдаги жами инвестициянинг 60 фоизига тўғри келди, ўтган 11 ой давомида унинг ҳажми 4,5 фоиз ўсди.

Ноябрь ойида чакана савдо ҳажми йиллик ҳисобда 8 фоизга ўсди, бироқ таҳлилчилар бу кўрсаткич 7,6 фоиз бўлишига умид қилганди. Reuters таъкидлаганидек, чакана савдога хизмат қилган омил ноябрь ойида ўтказилган Бўйдоқлар куниди қайд этилган натижа билан боғлиқ.

Аввалроқ “Вести. Экономика” нашрида ёзилишича, октябрь ойида Хитой саноатида ишлаб чиқариш ҳажми йиллик ҳисобда аввалгидек 5,8 фоиз эмас, балки 4,7 фоиз ўсган. Айни пайтда Bloomberg томонидан ўтказилган сўровда таҳлилчилар саноат ишлаб чиқарилиши 5,4 фоиз ўсишини тахмин қилган эди.

Илк пуллар эрамиздан аввалги бир неча асрлар аввал пайдо бўлган. Ўша пайтлардаёқ дастлабки кредиторлар, муайян фозига қарз бериб турувчилар бор бўлган. Кейинроқ айнан улар биринчи банкларни ташкил этган.

Бу банклар нафақат кредит ажратган, балки тўпланувчи депозитларни яратиш бўйича хизматларни таклиф этган. Тушуниб етганингиздек, ўтган давр мобайнида кредитлар ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотлар йиғилиб қолган. Қуйида шуларнинг айримларига тўхталамиз:



БАНКЛАР ВА КРЕДИТЛАР ҲАҚИДА 10 ТА АЖОЙИБ ВА ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАР

1. Кредитлашнинг тарихи узоқ даврга бориб тақалса-да, биринчи банклар фақатгина XVI асрда ташкил этила бошланган. Шундай қилиб, тарихда илк банк 1508 йилда Венецияда расман очилган. Сўнгра 1608 йилда Голландияда, 1694 йилга бориб эса Буюк Британияда биринчи банк ташкилоти ўз ишини бошлаган.

2. Илк кредитлар ажратилганини тасдиқловчи маълумотлар археологлар томонидан қадимги Миср ва Бобилда топилган. Ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, эрамиздан аввалги VIII асрдаёқ кредит берувчилар бўлган ва ҳатто hudu номи билан аталган ҳозирги қимматли қоғозларнинг муқобил шакли топилган.

3. Бироқ кредитлар ҳақида муҳим маълумотлар энди бошланади. Нима деб ўйлайсиз, замонавий банклар қарздорларга нисбатан ўта кескин муносабатдами? Унда Бобил ҳуқуқининг адолатли ва доно шоҳи ҳисобланган Хаммурапининг қонунларини эшитсангиз, нима дейсиз? Унинг қонунига кўра, қарзини қайтармаган қарздорлар тўлов тариқасида фарзандини қулликка беришга мажбур бўлади.

4. Шунингдек, Швейцария тарихида ҳам банклар ҳақидаги қизиқарли маълумотларни топиш мумкин. Бу мамлакатда умумий ҳисобда 450 дан ортқ тижорат банклари фаолият юритади ва уларнинг маблағлари 52 триллион АҚШ долларини ташкил этади. Биринчи швейцар банки XIX аср якунида очилган. Қисқа вақт давомида юқори кўрсаткичга эришиш доимо ҳам учрамайдиган ҳолат.

5. Юқоридаги мамлакатдаги кредитлар ҳақида яна бир маълумот муҳим аҳамиятга эга. Швейцария банкларидан бирини бир неча йил аввал текширишганида бирданига Владимир Ильич Лениннинг номидаги ишлаб турган ҳисобрақам ва унда 13,5 франк мавжудлиги аниқланди.

6. Банкларга оид маълумотлар ҳақида гап кетганда Александр III

номли Рим Папасининг 1179 йилдаги қарорини эсласликнинг иложи йўқ. Хужжатга кўра, ўша йилдан бошлаб барча банкирлар черковдан алоҳида фаолият юрита бошлаши керак эди. Диний уламнинг амрига кўра, бирорта банкир эътиқод қилиши, христиан одатлари бўйича ҳатто кўмилиши мумкин эмас. Энг қизиғи, ўша вақтдан буён ҳозиргача ҳам бу қонунни ҳеч ким бекор қилмаган.

7. "Ипотека" сўзининг келиб чиқиш маъноси ҳақида биласизми? Аниқланишича, бу ном қадимги Юнонистон кредиторлари томонидан ўйлаб топилган. Улар ўз қарздорларига ажратилган ерга hypotheke (ипотека) ёзувли белги ўрнатилган. Ушбу белги кредит мажбуриятига амал қилинмаган тақдирда ер кредитор ҳисобига қайтарилишини аниқлатади.

8. Банклар тўғрисидаги қизиқарли маълумотлар ҳақида гап кетганда яна бир масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим. Дунёнинг барча банк ташкилотларида ёзилмаган исталмаган миқозлар рўйхати тузилади. Одатда бу рўйхатдан қуйидаги касб эгалари эгаллаган: ҳарбийлар, судьялар, хусусий тадбиркорлар, журналистлар ва ҳуқуқшунослар.

9. Кредитларга оид қизиқарли маълумотларни кучли Рим империясидан ҳам топса бўлади. Гап шундаки, қадимий Римда ҳатто қисқа фурсатли кечикиш кузатиладан қарздорни ҳақиқий қарзли чуқурга ўтказиб қўйишлари мумкин бўлган. Агарда бир ой давомида қарздорга кредитни қоплашга ҳеч ким ёрдам бермаган тақдирда уни қонунчиликка биноан қулликка олиб кетишларига ижозат берилган.

10. Буюк Британия ТИВ бир неча бор расман баёнот берган бўлиб, унга кўра Швейцария банклариди миллиятчиларга тегишли умумий ҳажми камида 4 миллиард АҚШ доллариллик бойликлари сақланиб келиниши қайд этилган. Бироқ бу маблағлар ўша вақтдан бери ҳанузгача ўша жойда турибди.

ЭНГ ЁШ СИЁСАТЧИЛАР КИМЛИГИНИ БИЛАСИЗМИ?

Сўнги йилларда дунёнинг турли мамлакатларида ёш сиёсатчилар сони кўпаймоқда. Бу одамлар ҳали 40 ёшга тўлмаганлар, аммо сиёсат оламида аллақачон муваффақиятга эришган.

1. Финляндия:

Санна Марин: 34 ёш

Санна Марин – Финляндия сиёсатдори (ижтимоий демократ). 2015 йилдан Финляндия парламенти аъзоси, 2019 йил 6 июндан бошлаб транспорт ва алоқа вазири. 2012 йилда у Тампере шаҳар кенгашига сайланди. 2013 йилдан 2017 йилгача шаҳар кенгаши раиси. 2017 йилда у шаҳар кенгашига қайта сайланди.

Денгиз ҳамда Тампере минтақавий кенгаши ассамблеясининг аъзоси.

2. Украина:

Алексей Гончарук: 35 ёш

Алексей Гончарук – украиналик ҳуқуқшунос ва сиёсатчи, 2019 йил 29 августдан бошлаб Украина Бош вазири.

2019 йил 6 сентябрдан Миллий хавфсизлик ва мудофаа кенгашининг аъзоси. Украина тарихидаги энг ёш ҳуқуқат раиси.

3. Шимолий Корея:

Ким Чен Ин: 35 ёш

Ким Чен Ин – Шимолий Кореянинг сиёсий, давлат, ҳарбий ва партиянинг раҳбари, КХДР Давлат Кенгаши раиси (2016 йилдан бери, 2019 йил апрелда қайта сайланган), Корея Меҳнат партиясининг (ТПК) раиси ва 2011 йилдан бери КХДРнинг энг юқори раҳбаридир.

Россиянинг HeadHunter

hh.ru сайти шу каби савол билан сўровнома ўтказди. Унда 8392 киши қатнашди. Респондентларнинг деярли 49 фоизи иш ҳақи миқдори тўғрисидаги маълумот махфий сақланиши керак деса, 44 фоизи очиқликни ёқлайди. Иш ҳақи миқдори сир бўлмаслиги керак, деб ҳисоблайдиганлар орасида қончилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва санъаткорлар кўпроқ.

Иш ҳақи ҳақидаги маълумот махфий сақланиши керак, дейдиганлар асосан, ҳисобчи, молиячи, мансабдор шахслар ва компания раҳбарларидир.

Респондентларнинг деярли 54 фоизи ҳамкасбларининг қанча маош олишини билишарди, 25 фоизи эса барча ҳамкасбларининг маошидан хабардор. Булар орасида бухгалтерия ва молия соҳасидагилар улуши катта.

Шундай қилиб, респондентларнинг қолган қисми ҳамкасбларининг маошларини билишмайди, аммо уларнинг 50 фоиздан кўпроги буни билишни хоҳлайди. Аммо иштирокчиларнинг тахминан 60 фоизи ўз иш ҳақини ошқор қилишни истамайди.

"Россияда хорижий компанияларнинг аксарияти иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини сақлаш сиёсатига амал қилмоқдалар. Бундан ташқари, кўплаб компанияларда ишчилар иш ҳақи миқдори

4. Салвадор:

Найиб Букеле: 38 ёш

Найиб Букеле – Салвадориялик сиёсатчи ва давлат арбоби, ишбилармон, Эл-Салвадор президенти (2019 йил 1 июндан).

2012 йилда у Нуево Кускатлан мериясининг сайланган. 2015 йилда у Сан-Салвадор мери бўлган.

5. Янги Зеландия:

Жасинда Ардерн: 39 ёш

Жасинда Ардерн – Янги Зеландия сиёсатчиси, Меҳнат партиясини бошқаради. 2017 йил 26 октябрдан бошлаб Янги Зеландия Бош вазири.

7. Қатар:

Тамим бин Ҳамад ал-Таний: 39 ёш

Тамим бин Ҳамад ал-Таний – 2013 йил 25 июндан бери Қатарнинг 4-амири.

2013 йил ёзида унинг отаси Ҳамад бин Халифа ал-Соний ўғли фойдасига ҳокимиятни беришга қарор қилди. 25 июн куни Тамим бин Ҳамад ал-Таний Қатарнинг янги амири бўлди.

8. Бутан:

Жигме Кхесар Намгял Вангчук: 39 ёш


Жигме Кхесар Намгял Вангчук Бутаннинг бешинчи қироли. У тахтни 2006 йилда отаси, тўртинчи қирол Жигме Сингх Вангчук ўз фойдасига истеъфога чиққандан кейин эгаллаган.

9. Коста-Рика:

Карлос Алваро Кюесада: 39 ёш

Карлос Алваро Кюесада – Коста-Рикалик ёзувчи, журналист, сиёсатшунос, сиёсатчи ва Коста-Риканинг сайланган президенти. Илгари у меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири бўлиб ишлаган.

Алваро алоқа соҳасида бакалавр ва Коста-Рика университетидида сиёсий фанлар магистри, шунингдек, Сассекс университетидида магистрик даражасига эга.



ҲАМКАСБИНГИЗ ҚАНЧА МАОШ ОЛИШНИ БИЛАСИЗМИ?

тўғрисида маълумотни ошқор қилмаслик тўғрисида битим тузмоқдалар.

Истисно сифатида, иш берувчиларнинг сони жуда оз, қоида тариқасида, бу кичик АТ-компаниялар, уларда иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар очиқ. Ушбу очиқлик амалиёти ҳар доим иккита шарт билан боғлиқ: компаниянинг кичиклиги (кам сонли ходимлар) ва барча ходимлар фаолиятининг тўлиқ шаффофлиги. Яъни, ҳар ким, масалан, вазифаларни ҳисобга олишнинг электрон тизимида, у ёки бошқа ҳамкасб нима билан бандлигини ва у қанчалик самарали эканлигини кўриши мумкин. Ҳамма нарса ҳамма учун кўринади", деди Наталия Данина, ҲеадХунтер компаниясининг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар лойиҳаси раҳбари.

Катта компанияларда бундай шаффофлик қийин, чунки бу ходимларнинг ишдан бўшатилишига олиб келиши мумкин.

Хайрон бўлманг. Табиатда шунақа капалак мавжуд. Азал-азалдан бунақа капалакларни ўлганлар руҳига менгзаб, улардан ҳайиқиб келишган. 1883-йилда Зонд бўғозида Каракату вулқони отилганида ўн минглаб одамлар нобуд бўлган. Ҳиёл ўтмай Ява соҳилларида кўчманчи капалаклар галаси пайдо бўлади. Ява аҳолиси ҳеч бир истисносиз, бу капалакларни вулқон портлаганида нобуд бўлган одамларнинг руҳлари, деб эътироф этадилар.

Мана нима учун Европада учрайдиган "Ўлик боши" номли энг йирик капалаклар турига одамлар алоҳида бир кўркув билан муносабатда бўладилар (суриштириб келса, ўзимизда ҳам "Арвоҳ капалак" номи билан халқ ўртасида маълуму-машҳур капалак тури мавжуд). "Ўлик боши"нинг қол-қора елкасида чиндан ҳам калла чаноғи тасвирини кузатиш мумкин. Одамлар бир нарсага ишонишади: агар касал одам ётган хонага, Худо кўрсатмасину, "Ўлик боши" учиб кирса, билаверингки, аҳвол чатоқ. Агар қичқира бошла-

са, тамом деяверинг. Унинг қичқириси – ўлганга марсия! "Ўлик боши" жуда қойиллатиб қичқиради. Учаётиб ҳам чийиллайди. Агар уни тутиб олиб, банкага қамасангиз, шунақанги қичқирадики, асти кўяверасиз.

Француз олими Р.А.Реомюр, "Ўлик боши" билан қизиқиб қолиб, уни ўрганишга анча вақтини сарфлади. У шундай ёзади: "Мен тадқиқ этаётган капалаклар овоз чиқарадиган мавжудотлар сирасига кирмайди. Мабодо қандайдир товушлар чиқараётган экан, ҳойнаҳой қанотларининг ўзаро ишқаланиши

ҚИЧҚИРАДИГАН КАПАЛАК



ёхуд таналари билан ишқаланиши бунга сабаб. Ушанда ҳам, учаётганда".

Р.А.Реомюр капалакнинг бошқа ҳашоратларда учрайдиган чириллаш, гувиллаш ва бошқа товушларга сабаб бўладиган аъзоларини ўрганиб чиқди. Натижа бўлмади. Фақат, бир нарса: "Қора бош" чиқараётган товуш, одат-

да бизларда қандай ҳосил бўлса, ўша йўл билан ҳосил бўлади, дейишдан бошқа иложи қолмади. Ҳақиқатнинг тагига етиш учун, олимлар яна ўнлаб йиллар тер тўкишига тўғри келди. Тагига етиш Прелл исмли зоологга насиб этди. Капалак лабини-нинг юқориси (ички соҳаси)да шакланган алоҳида ўсимта

пайчалари товуш ҳосил бўлишида асосий роль ўйнаётганини Прелл тушунди. Кейинчалик, бу ишни давом эттирган олимлар, "Ўлик боши"нинг товушини ўта сезгир товуш илғагич мосламалар орқали ижакилаб ўрганишди. Ҳашаротлар орасида мазкур капалак ягона тур ҳисобланаркан. Бирор бир яқин ёки узоқ турдошлари орасида чинқиритиш тугул, товуш чиқара оладиганлари йўқ экан. Тўғри, мақоми олий ҳисобланувчи жонзотларнинг товуши билан, бу ноёб капалак товуши орасида улкан фарқ бор: бизнинг товушларимиз товуш пайчаларимиз ҳавода тебранишидан ҳосил бўлади. Капалакда эса озуқа каналли орқали сўриладиган ҳаво ҳисобига товуш ҳосил бўлади...

Бахтиёр АҲМЕДОВ

ЭЪЛОН

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР, "БАНК АХБОРОТНОМАСИ" ВА "БАНКОВСКИЕ ВЕСТИ" ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Сиз газетга обуна бўлишга улгурмаган ёки қисқа муддатга обуна бўлган бўлсангиз, нашримизнинг расмий сайти – www.banknews.uz орқали шартномани тўлдириб, тахририят манзилига юборишингиз мумкин. "Ўзбекистон почтаси" ва "Матбуот тарқатувчи" агентлигининг

худудий бўлимлари орқали расмийлаштириш ёки фақат тахририят билан шартнома тузган хусусий ташкилотлар билан обунани ташкил этиш йил давомида газеталаримизни ўз вақтида олишингизни қафолатлайди.

ХУСУСИЙ ОБУНА АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси

"МАТБУОТ SERVIS" МЧЖ – (97-358-57-57)

Хоразм вилояти

"ЛИДЕР ПРЕСС" МЧЖ – (71-244-33-63)

Бухоро вилояти

"МАТБУОТ SERVIS" МЧЖ – (97-358-57-57)

Жиззах вилояти

"МАТБУОТ TONGI" МЧЖ – (91-599-58-98)

Навоий вилояти

"МАТБУОТ SERVIS" МЧЖ – (97-358-57-57)

Қашқадарё вилояти

"МАТБУОТ SERVIS" МЧЖ – (99-603-03-68)

Наманган вилояти

"МАТБУОТ SERVIS" МЧЖ – (99-603-03-68)

"МАТБУОТ SERVIS" МЧЖ – (90-532-93-39)

Сирдарё вилояти

"СИРДАРЁ МАТБУОТ ХИЗМАТИ" – (97-277-27-72)

Сурхондарё вилояти

"SURXON MATBUOT NASHRLARI" МЧЖ – (91-586-70-00)

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти

"KALEON INFORM" МЧЖ – (71-267-18-94)

"ЛИДЕР ПРЕСС" МЧЖ – (71-244-33-63)

"МАТБУОТ SERVIS" МЧЖ – (71-244-19-63)

"ТОШКЕНТ МАТБУОТ" – (97-156-22-77)

Самарқанд вилояти

"ТОШКЕНТ ЖАҲОН ЗИЁ" – (97-922-02-33)

Фарғона вилояти

"ҒАЗО ИНФО" МЧЖ – (90-560-55-95)

"САЙЁР 2017" МЧЖ – (99-990-61-01)

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Банк, бизнес ва иқтисодиёт соҳаларига доир батафсил маълумотларни фақат бизнинг газетамиздан ўқиш мумкинлигини унутманг!

Обуна бўйича мурожаат учун

Тел.:

(998) 97 776 60 18
71 234 43 18

Факс:

(998) 71-234-43-18.

E-mail:

info@banknews.uz

ОБУНА
ИНДЕКСИ-102



БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Директор
Ўктам АБДУЛЛАЕВ

Бош мухаррир
Бобур МУХАММАДИЕВ

Бош мухаррир ўринбосари
Умидна ХУДОЙБЕРГАНОВА

Обуна ва реклама учун
Тел: 99897 776 60 18
71 234 43 18
Факс: 71 234 43 18
Нашр индекси-102.

Ахборот кўмағи
ЎзА, "Norma Hamkor" МЧЖ

Тахририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси,
23-уй e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,
www.banknews.uz телеграм каналимиз

@bank_axborotnomasi
Чоп этишга тайёрловчи: "Moliya yangiliklari agentligi"
МЧЖ

Газета тахририятнинг техник ускуналарида саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси" да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат бериллади. Қўлёзмалар такрир қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба кuni чиқади.

Буюртма № г 1203

Адади 1706 нуска

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмида, 3 шартли босма табакда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 18.12.2019 й.,

123456

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.